



Росстат маълумотларига кўра, 2018 йил Россия Федерацияси томонидан бир миллион тоннадан ортик пальма мойи сотиб олинди. Россия сўнгги бир неча йил давомида пальма мойи импортини барқарор равишда ошириб бормокда.

Лекин ўтган йили хақиқий рекорд натижа кайд этилди – ишлаб чиқарувчилардан 1060 минг тонна угу махсулот харид қилинди. Пальма мойи, тўгрисини айтганда, юкори сифати билан ажралиб турмайдиган озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Харид хажмида бундай кескин кўтарилиш – 2017 йил билан такқослаганда салкам 19 фоини ташкил этди.

Албатта, доимгидай, бунда яхшигина пул ишлаб олиш имкониятига эга бўлганлар ва кимнинг ҳисобидан бу пуллар ишлаб олинмайдиганлар топилади. Турли хил озик-овкат суррогатлари ва қалбаки махсулотлари инсофсиз ишлаб чиқарувчилар катта фойда олишни кўзлайди. Ахир улар осонликча арзон мой, пишлок, музқаймоқ ва бошқа суррогат озик-овкат махсулотларини аралаштиган ҳолда ишлаб чиқаришлари мумкин. Шу билан бирга, ҳукуматнинг сўт ишлаб чиқарувчи чорвадорлик бобида Россия кишлок хўжалигини қандай ривожлантириш ҳақида ўйлашининг ҳам ҳожати йўқ.

Бундай ҳолларда ҳар доимгидек, сифатли сўт махсулотларига эга бўлмаган россияликлар ҳақиқий озик-овкат ўрнига кўпроқ суррогатлар истеъмол қилишига тўғри келади.

Айни пайтда, кишлок хўжалиги билан шугулланувчи ишчилар ишсиз ўтиришга мажбур бўлади, чунки табиий озик-овкат махсулотларини ишлаб чиқариш нарх-наво ва харажатлар бўйича суррогатлар билан рақобатга дош бера олмайди.

Тиббий тадқиқотларга кўра, қунига 3 грамм транс-мойлар истеъмол қилиш одамлар учун хавфли доза ҳисобланади. Шу билан бирга, Россия Федерациясида ҳар бир киши учун бир кунда 20 грамм транс-мойлар тўғри қелиши ҳисоблаб чиқилган.

Факат пальма мойини импорт қилувчи хорижий компанияларнинг қўллаб-қувватлаши эмас, балки юкори сифатли ингредиентлар билан ишлайдиган янги ишлаб чиқариш линияларини ишга тушириш ва ривожлантириш россияликларнинг рационини фойдали ва мувозанатли қилади.

